

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 7

Самарканд шаҳри

«26» февраль 2022 йил

**МЧЖ «ГУЛОБОД-МЕБЕЛЬ» МЧЖ** кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи **Х.У.Аноров** номидан, бир томондан ва **Самарканд вилоят хокимлиги**, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, узининг маҳаллий бюджет қонунчилиги асосида иш юритувчи раҳбар **Н.Ш.Саидов** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

Т/р	Товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Сумма	ҚҚС ставкаси	ҚҚС суммаси	Баҳоси
1	Кровать 2-х ярусная (на металлооснове, с 2мя матрасом)	к-т	5	4 320 000	21 600 000	15%.	3 240 000	24 840 000
2	Стол однотумбовый	Шт.	4	850 000	3 400 000	15%.	510 000	3 910 000
3	Стул п/м (деревянный)	шт	8	550 000	4 400 000	15%.	660 000	5 060 000
4	Уголок мягкий (2200x1700)	шт	1	3 000 000	3 000 000	15%.	450 000	3 450 000
5	Стол обеденный	Шт.	1	686 956,6	686 956,6	15%.	103 043,49	790 000
6	Шкаф для одежды	шт	10	1 300 000	13 000 000	15%.	1 950 000	14 950 000
	<b>ЖАМИ</b>				<b>46 086 957</b>		<b>6 913 043</b>	<b>53 000 000</b>

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий сумма **53 000 000 (эллик уч миллион) сўмни** ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 30 % ни ташкил қилади.
- 2.3. Товар (маҳсулот) сотиб олингандан кейин қолган 70 % тўлов амалга оширилади.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпلامда ярқисиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

#### **4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олинishi зарур.

4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### **5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида, тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нови лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик бўлмаган миқдорда пенна тулайди.

5.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пенна тулайди, бироқ бунда пеннанинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда уртасидаги фарк товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

#### **6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир ҳил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

#### **7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келише олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибда ҳал қилинади

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Хўжалик судида ҳал қилинади.

## 8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар, ноқулай об-хаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табiiй офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмагнлиги исботланса жавобгар бўлмайди.

8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисидаги" ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

9.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарқанд вилоят Газначилик бошқармасида белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга қиради.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «СОТУВЧИ»

#### «ГУЛОБОД-МЕБЕЛЬ» МЧЖ

Манзил: Самарқанд туман Кулбаипоён ҚФЙ

Тел: Тел./факс: (66)239-60-01

Банк "Ўзсаноатқурилишбанк" Самарқанд филиали

МФО 00317 ОКЭД 31090

Х/р 20308000604298972001.

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

СТИР 204781514

### «СОТИБ ОЛУВЧИ»

#### Самарқанд вилоят ҳокимлиги

Манзил: Самарқанд шаҳар Қуқ-Сарой майдони 1-уй

тел: 0366 233-10-12

СТИР: 201212624 ХХТУТ 97600

х/р: 400121860184017011204018001

Х/р: 402000300100001010. МФО 00014

СТИР: 20021860184017011503018329

Банк Самарқанд вилоят банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ

Рақбар \_\_\_\_\_ Х.У.Аноров

Рақбар \_\_\_\_\_ Н.Ш.Сандов

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): \_\_\_\_\_

Лицензия (диплом) № ва берилган санаси: \_\_\_\_\_

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): \_\_\_\_\_

Лицензия (диплом) № ва берилган санаси: \_\_\_\_\_

*Handwritten signature*